

Тошкент давлат юридик  
университети ректорининг  
2020 йил “06” октябрдаги  
08-189-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Тошкент давлат юридик университетининг  
Ўқув-услугий бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Тошкент давлат юридик университетининг Ўқув-услугий бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги ПФ–5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда университет Кенгашининг 2020 йил 21 майдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

2. Бошқарма Тошкент давлат юридик университети (кейинги ўринларда – университет)нинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, университетда ўқув жараёнини ташкил этишни амалга оширади ҳамда факультет деканатлари ва кафедраларнинг ўқув, илмий методик фаолиятини мувофиқлаштиради ва кўмак беради.

3. Бошқарма университетда ўқув жараёнини такомиллаштириш ва юридик кадрларни ўқитиш бўйича замонавий илғор халқаро юридик тажрибани ўрганиш ва бу борада ўзаро тажриба алмашиш мақсадида миллий ва хорижий олий таълим муассасалари, таълим соҳасидаги хорижий ва халқаро ташкилотлар билан университет ўртасида тузилган шартномалар, келишувлар ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ мазкур тузилмалар билан ҳамкорлик ишларини олиб боради.

4. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва таълим соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Адлия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъатининг қарорлари ва буйруқларига, университет Уставига, университет Кенгаши қарорлари, университет ректорининг буйруқларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

## II. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

3. Бошқарманинг асосий вазифаси бўлиб ўқув жараёнини мувофиқлаштириш, кредит тизими ва ўқув дастурларини ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳамда масофавий таълимни амалга ошириш ҳисобланади.

4. Бошқарма ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ўқув жараёнини мувофиқлаштириш йўналишида:

университетда юридик таълим ва фанни ривожлантириш шароитларида замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг кредит-модуль тизими ва ўқитишнинг замонавий усуллари кўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этади;

давлат таълим стандартлари ва малака талабларини мустақил таълимга асосланган, назарий билимларни чуқурлаштиришга ҳамда амалий ва касбий кўникмалар ҳамда клиник юридик таълимни ривожлантиришга қаратилган, шунингдек мамлакатдаги ислохотларнинг замонавий босқичи эҳтиёжлари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш фаолиятини мувофиқлаштиради.

факультет деканатлари ва магистратура бўлими томонидан бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун ишлаб чиқилган дарс жадвалларини келишади ва умумлаштириб тасдиқлаш учун тақдим қилади;

факультет деканатлари ва кафедраларнинг ўқув, илмий-методик йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштиради, жумладан келишиш учун тақдим этилган кафедранинг йиллик юкламасини белгиланган меъёрларга мувофиқлигини кўриб чиқади ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг йиллик шахсий иш режасида ўқув тусдаги тадбирлар, уларнинг соатлар миқдори кўрсатилган ҳолда белгиланишида кафедраларга услубий кўмак беради;

янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини ҳуқуқий ислохотларни инобатга олиб, хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда яратилиш ва уларни мунтазам янгилаб борилишини факультетлар кесимида мониторинг қилади ва университет раҳбариятига таклифлар киритади;

университетда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш фаолиятини мувофиқлаштирилади;

талабаларни курсдан курсга ўтказиш, ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш, уларга стипендия тайинлаш тўғрисидаги университет ректори буйруқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

талабалар контингентини факультетлар кесимида жамлайди ва умумий контингентини юритади.

б) кредит тизими ва ўқув дастурларини ўқув жараёнига татбиқ этиш йўналишида:

кредит тизими талаблари ҳамда хорижий тажрибага мувофиқ деканатлар ва магистратура бўлими томонидан ўқув режалари ва ўқув дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

фанлар, уларга ажартилган соатлар ва кредитлар мутаносиблиги, мантиқий изчиллигини таъминланишини назорат қилади;

талабанинг ҳар бир фан, семестр, курс кесимидаги ва умумий кредитлар сони ҳисобини юритади;

курс учун белгиланган кредитларни тўплай олмаган талабаларнинг тегишли муддатда қарздорлигини бартараф этишини таъминлайди ва назорат қилади;

хорижий олий таълим муассасасиларига академик алмашинуви доирасида ўқиши назарда тутилаётган талабаларга фанлар бўйича курс (семестр) давомида тўплаган умумий ўзлаштириш кўрсаткичлари ва кредитлари ҳисоби ҳақида академик маълумот беради ва хорижда олинган кредитларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритади;

талабаларнинг академик алмашинувини таъминлаш бўйича етакчи хорижий илмий-таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

хорижий олий таълим муассасалари билан академик мобиллик ва қўшма таълим дастурлари юзасидан тузилаётган келишув ҳужжатларининг ўқув фанлари ва таълим кредити билан боғлиқ қисмини экспертизадан ўтказиб, тегишли хулосалар беради;

етакчи хорижий таълим муассасалари, таҳлилий, тадқиқот марказларининг мутахассисларини машғулотлар ўтказишга жалб этиш ишларини мувофиқлаштиради;

йўқолган диплом иловалари бўйича фуқароларга дубликат тайёрлайди;

кредит тизимини доимий равишда таҳлил қилади ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиб боради;

в) масофавий таълимни ривожлантириш йўналишида:

масофавий таълим платформасини юритишни таъминлайди ва такомиллаштириб бориш чораларини кўради;

масофавий юридик таълим олиш истаги бор фуқароларни рўйхатга олади ва ўқишга қабул қилиш бўйича тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини расийлаштиради;

бошқа таркибий тузилмалар билан ҳамкорликда фуқароларнинг масофавий шаклда юридик таълим олишига оид ўқув-услубий ва бошқа зарур шарт-шароитларни яратади;

масофавий шаклда юридик таълим олувчиларни ўқув материалларини ўз вақтида ва сифатли ўзлаштиришини ва иштирокини мониторинг қилиб боради;

белгиланган муддатларда масофавий курсларни муваффақиятли ўзлаштирган талабалардан имтиҳонларни ўтказиши ва натижаларни эълон қилади;

масофавий таълим шаклида ўқувчи имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган талабаларга ўқишни тамомлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этади;

масофавий таълимда ўқувчи талабалар контингентини факультетлар кесимида жамлайди ва умумий контингентини юритади;

бошқарма фаолиятига оид статистик маълумотларни мунтазам равишда шакллантиради.

### **III. Бошқарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

5. Бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

факультет деканатлари, кафедралар ва бошқа таркибий бўлинмалардан бошқарма фаолиятига тааллуқли маълумотларни сўраб олиш;

университет фаолиятини самарали олиб борилишида муносиб ҳисса қўшган, ютуқларга эришган, фидоийлик намунасини кўрсатган бошқарма ходимларини рағбатлантириш юзасидан университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

бошқарма фаолиятига доир ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Бошқарма:

университет Кенгашининг қарорлари ва ректорининг буйруқларида бошқармага юклатилган вазифалар ижросини таъминлашга;

университет раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга;

фаолиятининг барча йўналишлари бўйича юқори самарадорликни таъминлашга, университет тадбирларида фаол иштирок этишга;

Ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишга;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари учун белгиланган тартибда шахсий қабулларни ташкил қилишга;

меҳнат ва ижро интизоми ҳамда хизмат вазифаларига риоя қилишга, йиллик иш режаларнинг бажарилишини таъминлашга;

университет ички тартиб-қоидалари, Одоб-ахлоқ кодекси ва бошқа локал ҳужжатларга риоя этишга мажбур.

Бошқармага қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

#### **IV. Бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

7. Бошқармага университет ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

Бошқарма бошлиғи ўринбосарга эга. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ва Бошқарманинг бошқа ходимлари университет ректори томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

8. Бошқарма ходимлари, қоида тариқасида, юриспруденция мутахассисликларига эга бўлган кадрлардан ташкил топади. Бошқармага унинг зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун ахборот коммуникация технологиялари, тизимли таҳлил ҳамда бошқа зарур мутахассисликларига эга бўлган кадрлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

9. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қилади;

Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларни бажариши учун шахсан жавоб беради;

Бошқарма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизоминини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек, университетда ўқув жараёнининг тартибга солувчи идоравий норматив ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Бошқарма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

университет кенгаши қарорлари, ректор буйруқлари ҳамда топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

университетда ўқув жараёни ва унга оид идоравий норматив ва ички меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритади;

хизмат сафарларини ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширади, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлайди;

Бошқарма ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилади, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитади, уларнинг яқунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўради;

университет ички тартиб-қоидалари, Одоб-ахлоқ кодекси, бошқа локал ҳужжатлари талабларига риоя этади;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Бошқармада коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўради, шунингдек ҳуқуқни кўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди, таҳлил қилади, бартараф этади;

университет раҳбариятига ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Бошқарма ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари юзасидан тушунтиришлар олади;

Бошқарма фаолиятига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, иш режа ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун бошқарманинг барча ходимлари иштирокида мунтазам равишда тезкор йиғилишлар ўтказади;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

Бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва функционал вазифалар, аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлик доирасини белгилайди;

университет раҳбарияти топшириқлари, буйруқлари ва кўрсатмаларининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади;

Бошқарма бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

10. Бошқарма қуйидаги таркибий бўлинмалардан иборат:

Ўқув жараёнини мувофиқлаштириш бўлими;

Кредит тизими ва ўқув дастурлари бўлими;

Масофавий таълим бўлими;

Раҳбарият ва Бошқарма бошлиғи топшириғига мувофиқ бўлинмаларга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

11. Бошқарма ходимлари ўз фаолиятини университет раҳбарияти билан келишилган ва тасдиқланган лавозим йўриқномаларига мувофиқ амалга оширадilar.

12. Ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги, хизмат вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари ва хизмат этикаси қоидаларини бузганликлари учун Бошқарма ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортиладilar.

## **V. Яқуний қоида**

13. Ўқув-услубий бошқармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.